Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 7-oktabr, seshanba № 123 (3472)

Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.

Ислом КАРИМОВ

Халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябр куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январ-сентябр ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошиқ майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиш, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислом Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, аввалambор, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш керак.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Олтинкўл тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

«Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, нон цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгиланган, автомобил учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислом Каримов янги уй соҳибларидан бири — Отабек Қобулов хонадонида бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, — деди хонадон соҳибаси Нигорахон Қобулова. — Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу айниқса биз, аёлларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажаги учун. Бундай уйларда яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтлар орзу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Истиқлол кўчаси ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлим сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиқлар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Анвар САМАДОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган мазкур форумнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.



Тинчлик ҳукмрон мамлакатда туризм ҳам ривожланади

«Ўзэкспомарказ»да 6 октябр куни «Ипак йўлидаги туризм» XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.

Тадбирда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Фаррух Ризаев, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори Шахзонг Зу ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини изчил тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг фусункор табиати, бой тарихи ва маданияти, бетакрор қадрияту анъаналари ҳамда муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва серфайз гўшалари жаҳон сайёҳларини тобора ўзига ром этмоқда. Мамлакатимизда қарор топган мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳити, жаҳонга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда. Бу Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланаётир.

Сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари йирик халқаро сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайёҳликни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, off-road саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги сайёҳлик дастурлари амалга оширилмоқда.

Сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳам изчил такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис мамлакатимизда ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонга келаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади. Шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш ушбу тармоқ ривожига мутаносиб равишда такомиллашиб бораётгани самарасида хизмат кўрсатиш сифати ошиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, обрў-эътибори янада юксалмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

Транспорт хизмати

Андижонда фаолият кўрсатаётган юк ва йўловчи ташиш автотранспорт корхоналари томонидан ўтган йилнинг декабр ойидан бошлаб мактаб ўқувчилари учун барча йўналишларда бепул хизмат йўлга қўйилган эди. Барчага маъқул ташаббус янги ўқув йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ўқувчиларга қулайлик

ташаббус изчил давом этмоқда

Гап шундаки, вилоятдаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари куннинг соат 7 дан 8:30 гача ҳамда 12:30 дан 14:30 гача бўлган оралиғида транспорт хизматидан бепул фойдаланмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган йигит-қизлар учун эса шу вақт мобайнида 50 фоизли имтиёз асосида йўл кира тайин этилган. Йўналишда ҳаракатланаётган ҳар бир автомашина ойнасида ҳайдовчи ҳақидаги маълумот, масъул шахсларнинг телефон рақамлари кўрсатилган бўлиб, мутасаддилар томонидан тегишлича назорат ўрнатилган. Аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган «Шоҳтранс», «Асл ҳамкор ривожи», «Воҳидтранс», «Олтинкўлтранс сервис» МЧЖлари бу борада пешқадамлик қилаётир.

Юқорида тилга олинган жиҳатлар автомобилда юк ва йўловчи ташиш хусусий уюшма ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг бир қирраси. Тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида айни кунга қадар 70 дан ортиқ хусусий уюшмаларда меҳнат қилаётган 3 минг 500 нафар ҳайдовчи касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди.

Ҳар бир уюшмада ҳайдовчилар учун намунали тиббий хизмат йўлга қўйилган. Автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш учун махсус чуқурлар, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган механик хоналари ҳамда махсус устахоналар фаолият кўрсатмоқда. Йўлга чиқаётган ҳар бир машина малакали чилангарлар томонидан назоратдан ўтказилади.

Бугунги кунда корхоналарда касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам самарали ишлар олиб бориляпти. Масалан, яқинда «Шоҳтранс» МЧЖда музқаймоқ учун бир марталик махсус идишлар тайёрлаш, макарон ишлаб чиқариш цехлари, автомашиналарга пулли техник хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизларнинг олти нафари жамиятга ишга қабул қилинди.

Бу ерда ҳайдовчилар маъмурият ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасида белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланмоқда. Жумладан, улар учун алоҳида дам олиш хонаси ташкил этилган. Ишчи-ходимлар корхона ошхонасида бепул тушлик қиладилар.

Мухтасар айтганда, вилоятда нодавлат секторда фаолият кўрсатаётган ҳайдовчиларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, янги тармоқлар фаолияти эвазига иш ўринлари сонини кўпайтириш йўлида изланишлар давом эттирилмоқда. Бу эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатининг ошишида ҳам яққол кўзга ташланаётир.

Назокат ҚЎЗИБОЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Андижон вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Осиё ўйинлари — 2014



Осиё ўйинларидаги муваффақиятлар

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги вакиллари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон дунёга спорти жадал ривожланган мамлакат сифатида танилди. Хусусан, қитъа миқёсида ўтказиладиган ҳар тўртйиллиқнинг нуфузли мусобақаси — Осиё ўйинларида спортчиларимиз мунтазам юқори натижаларга эришмоқда.

Осиё Олимпия кенгаши шафелигида ташкил этилган бу галги мусобақада 228 нафар ҳамюртимиз 32 спорт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон спортчиларининг қитъамизнинг энг нуфузли мусобақасида муваффақиятли қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

(Давоми 3-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

2015 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

Ishonch
2014-yil 7-oktabr № 123 (3472)

Бор бўл, оқибат!

Кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Санаторийларда дам олиш оралиғи беш йилдан икки йилга туширилганлиги, касаба уюшма маблағлари ҳисобидан аъзоларнинг ота-оналари ва бошқа яқинлари имтиёзли тарзда дам олиш имконияти пайдо бўлганлиги барчани бирдай хушнуд қилгани аниқ. Қолаверса, олиб борилаётган таъмирлаш ишлари натижасида санаторийлардаги шарт-шароит тобора яхшиланмоқда.

БЕПУЛ ВА ИМТИЁЗЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан беш нафар хоразмлик аёлга меҳр-оқибат кўрсатилди. Урганч шаҳар халқ таълими мутахассиси Санамжон Қурбонова, Хонқа туман «Аббос Олонг Собиров» фермер хўжалиги ишчиси Гулистон Собирова, Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси кичик тиббий ходими Ширин Полвоновага иш жойларидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари тавсиясига кўра ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан «Хонқа» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди.

Шунингдек, Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Шоҳида Абдуллаева, «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти мутахассиси Нилуфар Искандарова «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли дам олиш имконига эга бўлдилар.

Озод ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири

Мазмунли хордиқ — унумли меҳнат кафолати. Масаланинг ана шу жиҳатига аҳамият қаратаётган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорликда минг нафардан зиёд ўқитувчиларнинг мамлакатимиз шаҳарлари ҳамда мўъжизавий табиат қўйнига саёҳатларини ташкил этди.

МАЗМУНЛИ ХОРДИҚ

— Касаба уюшмалари мадади билан 86 нафар ўқитувчи ва мураббийлар, соҳа фахрийлари Тошкент, 50 нафар киши эса Жиззах вилояти Зомин тоғлари бағридаги баҳаво дам олиш масканларида бўлдилар, — дейди Самарқанд шаҳридаги 1-мактаб директори Гўзал Алимова.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Бахтиёр Номозовнинг эътироф этишича, жорий йилда тизимда меҳнат қилаётган 660 нафар ўқитувчига Самарқанд, 300 нафар таълим фидойисига эса Бухоро, Хива шаҳарларида амалга оширилган бунёдкорлик, кўҳна маданий меросимиз билан танишиш имкони яратиб берилган. Соҳа ходимларининг 137 нафари касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмаси билан республикамиздаги сиҳатгоҳларда дам олдирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

Аҳолини, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича Ангор туманида ибратли ишлар амалга оширилаётир.

ЁШЛАРГА КРЕДИТ

— Ўтган ўқув йилида 7 та касб-ҳунар коллежини 2420 йигит-қиз битирди. Корхоналар, фермер хўжаликлари билан тузилган уч томонлама шартнома асосида улар белгиланган тартибда иш билан таъминланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 28 нафар йигит-қизга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Фахриддин Дониёров.

Шулардан бири Ангор қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарида Қурбонова. Тикиш-бичишга қизиқиб, тўгаракларга қатнагани унга қўл келди. Фарида «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиали ходимлари билан бўлган учрашувда иштирок этиб, ўз лойиҳасини тақдим этди. Лойиҳа мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилди ва унга 4 миллион 800 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Айни чоғда Фарида Қурбонова тикувчилик цехи очиб, 4 нафар қиз билан фаолиятини бошлаб юборди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Пахта — 2014

Муборак туманида дам сайин хирмон юксалмоқда. Бу, албатта, яратиб қўйилган шарт-шароит туфайли. 8 та муқобил машина трактор парки таркибидаги фермер хўжаликларига тегишли 58 та дала шийпонида гигиена хоналари, ошхона, тиббиёт хонаси муҳайё қилинган.

ДАМ ҒАНИМАТ...

Кечки пайт ҳашарчилар учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиляпти. Илғор теримчилар алоҳида рағбатлантирилмоқда.

240 та терим отряди ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномалар барча масалалар ечимида қўл келаётир.

— Дала шийпонларини мавсумга тайёрлаш, теримчилар учун шарт-шароит яратиш ҳамда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш ишларини ташкил этиш бўйича касаба уюшмалари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди, — дейди Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Дилбар Тўхтаева. — Жумладан, пахта теримига жалб этилган ҳашарчилар учун ётоқхоналарнинг санитария-гигиена ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Ётоқхонанинг ёритилиши, шамоллатилиши талаб даражасида бўлишига аҳамият берилди.

15 нафар ва ундан ортиқ аёл жойлаштирилиши мўлжалланган ётоқхоналарга аёллар гигиенаси хоналари ташкил этилди. Ётоқхоналардаги ичимлик сувини сақлаш учун мавжуд бўлган усти ёпиладиган ҳовузлар таъмирланди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус хоналар ажратилган, теримчилар соғлиғини назорат қилиб бориш мақсадида ётоқхонада тиббий пункт мунтазам фаолият кўрсатаётир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий сўров

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан касаба уюшма ташкилотларининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий янгиланишлардаги роли, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига аҳолининг муносабати мониторинг усулида ўрганиб келинади. Мазкур тадқиқот касаба уюшмалари фаолиятида рўй бераётган ўзгаришлар меҳнат аҳли томонидан қандай баҳоланаётгани ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида жамиятнинг барча тармоқларини модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ролини ошириш борасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ўрганиш нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эгадир.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида гап борганда, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар, деб белгилаб қўйилган. Касаба уюшмаларининг фаолияти юқорида тилга олинган Концепциядан келиб чиқади, яъни асосий йўналишлардан бири меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун юксак даражадаги қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Жорий йилнинг 25 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни имзолади. Ушбу Қонун шу йилнинг 18 июнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган эди.

Мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмини белгилаб бериш билан бирга, турли табақага мансуб аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий тармоқлари ҳисобланган ижтимоий ҳимоя, аҳолининг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва юксалтириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг меҳнат ва соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш кўзда тутилган.





Ушбу вазифаларни ҳал қилишда корхона ва ташкилотларда қулай иш шароити яратиш юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол қатнашаётган касаба уюшмаларига муҳим ўрин ажратилган.

Касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқларидан бири, бу иш берувчи билан жамоа шартномасини қабул қилишнинг асосий шартлари хусусида музокара олиб бориш ва ходим номидан розилик бериш, бу шартларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборатдир. Касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик фаолияти асосан тўртта — умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий йўналишда олиб борилади. Умуммиллий даражадаги ижтимоий мулоқотда ходимлар манфаатини Вазирлар Маҳкамаси ва Савдо-саноат палатаси билан фаол ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳимоя қилади.

Ҳозирда Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан имзоланган 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишувга амал қилинмоқда. Шунинг асосида қабул қилинган 85 тармоқ, 14 та ҳудудий ва 97583 та жамоа шартномалари корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.



Жамоа шартномаларини тайёрлаш ва қабул қилишда ижтимоий шериклик тамойилларидан кенг фойдаланилмоқда ва уларнинг бажарилиши касаба уюшмалари томонидан назоратга олинган. Касаба уюшмалари корхона ва ташкилотларда иш берувчилар томонидан адолатли ва қулай иш шароити яратилиши юзасидан ҳам жамоат назоратини амалга оширмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади — бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида касаба уюшмаларининг тутган ўрнини, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг барча ташкилий тизими ва йўналишларини амалда қамраб олган ҳамда Федерация Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларга аъзолар муносабатини аниқлашдан иборат.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилган мониторинг қатнашчиларининг кўпчилиги, яъни 97,5 фоизи иш жойига кўра касаба уюшма аъзоси эканини кўрсатди. Ушбу рақам касаба уюшмалари ўз сафига меҳнатга қобилиятли қарийб барча фуқароларни бирлаштирган меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти эканини тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг аксарият фуқаролари ўзларининг касаба уюшмага аъзо бўлиш сабабини ижтимоий муҳофаза ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясига боғлиқ интилиш ва умидлари ушбу ташкилот билан чамбарчас боғлиқ эканлиги билан изоҳлашмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, сўров қатнашчиларининг кўпчилиги касаба уюшма ташкилотларининг муҳим ва устувор вазифаси меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоячиси ҳисоблайди.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан касаба уюшма аъзолиги ҳозирги пайтда касаба уюшмалари томонидан берилаётган аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам, сиҳатгоҳлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма бериш, турли шаклдаги спорт ва маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш борасида турли имтиёзлардан фойдаланиш воситаси эканлиги эътироф этилади.

2011 йилнинг ноябр ойидан бошлаб Ўзбекистон КУФК раҳбарияти ташаббуси билан касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини кескин юксалтирадиган, ишларнинг сифати ва натижасини оширадиган ислоҳотларга катта ғайрат-шижоат билан киришилди. Сўров қатнашчиларининг аксарияти амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини ижобий баҳолаб, шунинг самараси ўлароқ ўзлари ишлаётган корхона ва ташкилотларда янгиланишлар рўй берганини, давлат, иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасида таъсирчан ижтимоий мулоқот йўлга қўйилганини таъкидлашган. Респондентларнинг асосий қисми меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг ривожланиши туфайли ўз ташкилотлари билан муносабатлари жамоавий-шартнома асосига қурилганини, ўзлари ҳам ушбу шартномаларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этганликларидан мамнун эканликларини билдиришган.

Фуқароларнинг фикрига кўра, жамоа шартномалари тузилиши раҳбарлар ходимлар ҳаётий қизиқиши ва эҳтиёжларидан кўпроқ хабардор бўлишига хизмат қилиш билан биргаликда, томонларнинг ўзаро мажбурияти ходим билан маъмурият ўртасидаги низоли масалаларни бартараф этиш, муаммоларни ечишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Натижада, жамоаларда соғлом маънавий муҳит яратилиб, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичлар ошаяпти. Тадқиқот давомида аён бўлишича, меҳнат жамоалари жамоа шартномасининг якуний вариантини қабул қилинишига катта таъсир ўтказмоқда. Иккитадан бир респондентнинг қайд этишича, жамоанинг барча таклифлари жамоа шартномасини тузишда тўлиқ ҳисобга олинган. Шундай қилиб, жамоа шартномалари «ижтимоий шериклик» атамасидан келиб чиққанда, иш берувчи билан меҳнат жамоаси ўртасидаги муносабатнинг янгича ҳужжатлаштирилган ифодасига айланган.

Сўров натижалари меҳнаткашларнинг кейинги пайтда ижтимоий ҳимоянинг долзарб йўналишларидан бири сифатида ижтимоий шериклик хусусидаги хабардорлиги ошганини кўрсатди. Буни кўпчилик корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ижтимоий шериклик тамойиллари асосига қураётгани ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишининг энг муҳим натижаларидан бири, бу ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилганидир. Хусусан, охирги пайтда деярли барча кичик бизнес корхоналарида ушбу хусусий корхоналардаги ёлланма ишчиларнинг меҳнат ва касбий манфаатларини ҳимоя қиладиган касаба уюшмалари тузилган.

Сўров қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкилот ва корхоналарнинг жамоа шартномаларига хотин-қизлар ҳамда ёш ходимларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қўшимча имтиёзлар беришга оид қатор қоидалар киритилганини ижобий баҳолаган. Меҳнат жараёнида хотин-қизларнинг фаоллиги йил сайин ошиб бораётгани тадқиқот якунида яна бир бор аён бўлди. Сўров қатнашчилари ўз ташкилотларида раҳбарлик лавозимида ишлаётган аёллар сони ошганини қайд этган, бу эса хотин-қизлар касб маҳорати ва салоҳияти юксалаётганининг белгисидир.

Сўров натижаларидан касаба уюшмаларининг ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва улар касб маҳоратини ошириш борасидаги роли қониқарли баҳоланаётгани аёнлашди. Маълум бўлишича, ташкилот ва корхоналар раҳбарларининг иккитадан бири 30-35 ёшдаги фуқаролардир. Сўров иштирокчилари ёш ходимларнинг оилаларига ҳам сезиларли мадад берилаётганини тасдиқлашди. Уй-рўзғор ашёлари харид қилиш, уй-жой қуриш учун ссудалар берилаётгани ҳам ижобий баҳосини олди.

Фуқароларнинг фикрига кўра, касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналиши меҳнаткашларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли касаба уюшма ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолияти янада кенгайгани маълум бўлди. Қатнашчиларнинг учдан бир қисми жамоа шартномаларида кўзда тутилганидек касаба уюшмалари мажбурияти доирасида моддий ёрдам олганликларини билдирди. Шунингдек, ёш мутахассислар ва ёш оилаларга берилаётган моддий ёрдам миқдорининг сезиларли даражада ошгани ҳам касаба уюшмалари фаолиятидаги ижобий янгиланишлар сирасига киради.

Аҳолининг фикрича, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш касаба уюшмаларининг доимий диққат-эътиборида. Сўралганларнинг кўпчилиги ўзлари аъзо бўлган касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига оид вазифаларни самарали ҳал этаётганини қайд этган.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, Ўзбекистон касаба уюшмалари муносиб меҳнат шароити билан таъминлаш ва яратишда ҳам доимий иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда касаба уюшмаларининг корхоналарда қулай ва хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш юзасидан жамоат назоратини амалга ошириш борасидаги фаоллиги янада ошган.

Касаба уюшмаларининг обрўси ва фаоллиги юксалаётганини билдирадиган кўрсаткичлардан яна бири улар томонидан ҳал этилаётган фуқароларнинг аниқ саволлари ҳамда муаммоларининг сони ва хусусияти билан белгиланади. Ушбу тадқиқот эса ходимларнинг касаба уюшмаларига мурожаати миқдори ҳамон юқори эканини кўрсатди. Сўров қатнашчиларининг учдан икки қисми касаба уюшма ташкилотларига у ёки бу масалада бепул ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилган. Мурожаат этилган масалаларнинг асосий қисми ижобий ҳал қилинган.

Фуқароларнинг фикрига қараганда, касаба уюшма қўмиталари ва фаоллари ўз меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқда. Сўралганларнинг кўпчилиги меҳнат жамоаларида касаба уюшмаси йиғилишлари мунтазамлилик касб этганлигини эътироф этишган. Аксарият касаба уюшмаларида мажлислар ҳар чоракда ўтказиб борилаётир.

Шунингдек, сўров жараёнида меҳнаткашларнинг муаммолари уларнинг иш жойидагина эмас, балки туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги тармоқ касаба уюшмалари раҳбарларининг ҳам доимий диққат-эътиборида экани маълум бўлди. Сўралганларнинг ҳар иккитадан биттаси ёки 54,7 фоизи туман, шаҳар, вилоят ҳамда Республика тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўз корхоналарига охирги марта жорий йилда ташриф буюрганини қайд этган.

Таъкидланишича, касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида турли маданий-маърифий, кўнгилочар ва спорт тадбирларини ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу тадбирлар асосан миллий байрамлар ва турли саналар муносабати билан ташкил этилади. Энг муҳим жиҳат, респондентларнинг мутлоқ кўпчилиги касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган, маънавий жиҳатдан бойитадиган, корхона, муассаса ва ўқув юрти жамоасини жипслаштирадиган ушбу байрам оқшомлари, концертлар, кўриклар, спорт тадбирларида бевосита иштирок этганлигидир.

Сўнгги йилларда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнида ходимлар ва улар оила аъзоларининг дам олишини ташкил этишда ижобий натижаларга эришилган. Сўров якунларига қараганда, касаба уюшмалари меҳнаткашларни соғломлаштириш, дам олиш уйлари, сиҳатгоҳ ва болаларни соғломлаштириш масканларига йўлланмаларнинг қийматини тўлиқ ёки қисман тўлаб бермоқда.

Сўралганлар фикрига кўра, касаба уюшма ташкилотлари ишини ислоҳ қилиш самараси кўпроқ қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда: *меҳнат қонунчилигига риоя қилинишинг доимий назоратини амалга ошириш; қулай ва хавфсиз иш шароити яратиш; меҳнат жамоалари аъзолари томонидан жамоа шартномалари тузилишини таъминлашни назорат қилиш; корхона ва ташкилот ходимларига ижтимоий ёрдамнинг сезиларли даражада ўсиши; ишлаб чиқариш жамоаларида меҳнаткашларнинг ижтимоий фаоллигини оширадиган барқарор ва қулай муҳит яратилиши.* Сўнгги йилларда касаба уюшмаларининг бевосита иштироки туфайли иш ҳақини ўз вақтида тўлаш соҳасида ҳам самарали натижаларга эришилди.

Тадқиқот иштирокчиларининг фикрича, касаба уюшмаларининг келгусидаги фаоллиги уларнинг меҳнаткашларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, жамоа шартномаларида кўрсатилган барча шартларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш, зарарли шароитда ишлаётган ходимларга товон пули тўланишини назорат қилиш, ёш болали ишловчи оналарнинг имтиёзларини кўпайтириш борасидаги имкониятларини янада кенгайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Шунингдек, ёш болали ва серфарзанд оилаларга, ногиронлар, пенсионерлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифадаги ходимларга манзилли моддий ёрдамни кўпайтиришга оид ишларни кенгайтириш ва фаоллаштириш ҳам касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналиши саналади.

Умуман олганда, *тадқиқот натижалари касаба уюшмаларининг мамлакатимизда фуқароларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилаётган ва қўллаб-қувватлаётган, уларнинг меҳнат ва касбий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаётган энг оммавий ташкилот эканини яна бир бор тасдиқлади.* Фуқаролар касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни етарли даражада ижобий баҳолаб, шу жараёнда кўплаб самарали янгиликлар ҳаётга жорий этилганини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси ўртасидаги ижтимоий шериклик кўламини кенгайтиришга имкон яратилаётганини, давлат ва иш берувчи ўртасидаги ижтимоий мулоқотнинг амалий натижа бераётганини қайд этдилар.

Сўров иштирокчилари касаба уюшмалари фаолиятидаги янгиланишларни давом эттириш зарурлигини, бунда асосий эътибор касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, касбий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилиши лозимлигини билдирдилар.

Ishonch
2014-yil 7-oktabr № 123 (3472)

Кўрик-танлов

Меҳнаткашларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофазалаш, ишлаб чиқаришда учраб турадиган бахтсиз ҳодиса ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, ишловчиларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасида ибратли ишлар талайгина. Бу борада муваффақиятга эришаётган корхона, ташкилот ва муассасаларни рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ЎзКУФК Раёсати қарорига асосан «Меҳнат муҳофазаси бўйича назоратни энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови» эълон қилиниб, тадбир «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши вакил» номинацияларида 3 босқичда ўтказилиши режалаштирилган эди.

Муносибларнинг муносиби тақдирланди



Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан иккинчи босқич ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Мазкур кўрик-танловнинг биринчи босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилди. 2-босқичда иштирок этиш мақсадида Республика кенгашига 39 та корхона, ташкилот ҳамда муассасалардан ҳужжат топширилди, — дейди тармоқ Республика кенгаши раиси муовини Шавкат Жавлонов. — Кўрик-танлов ғолибларини баҳолашда иш ўринларининг санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб бериши, ишчи-хизматчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари бўйича ўқитилиши ва иш олдидан йўриқномалар билан таништириш, махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилганлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, зарарли ҳамда хавфли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга берилаётган имтиёз ва компенсацияларнинг тўғри тўланиши, ишчи-хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиниши каби меҳнат муҳофазаси борасидаги муҳим масалалар қай даражада ечимини топаётгани комиссия аъзоларининг диққат марказида бўлди. Айниқса, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан жамоатчилик назорати бўйича амалга оширилаётган ишлар ғолибларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этди.

Натижаларга кўра, «Энг яхши корхона» номинацияси бўйича биринчи ўрин Самарқанд вилоятидаги «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси» хорижий корхонасига, иккинчи ўрин Андижон вилоятидаги «Фусункор» МЧЖга, учинчи ўрин Бухоро вилоятидаги «ДЭУ Текстил Бухоро» қўшма корхонасига насиб этди. «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинацияси бўйича биринчи ўринга Хоразм вилоятидаги «Хоразм шакар» ОАЖ қўшма корхонаси, иккинчи ўринга Қорақалпоғистон Республикасидаги «Автотеххизмат» ОАЖ, учинчи ўринга Қашқадарё вилоятидаги «Сувоқава» бошқармасининг Қарши шаҳар филиали корхонаси лойиқ деб топилди.

«Энг яхши вакил» номинацияси бўйича биринчи ўринни «Бешариқтекстил» ОАЖ қўшма корхонаси вакили Ўрмонжон Бердиев, иккинчи ўринни Тошкент шаҳар «Сувсоз» давлат унитар корхонасининг «Бўзсув» иншооти вакили Зоиржон Юсупов, учинчи ўринни Сурхондарё вилояти «Озиқ-овқат моллари» МЧЖ вакили Акмалжон Пўлатов эгаллади.

Нигмон ШАМШИЕВ, Тошкент «Сувсоз» ДУК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири:

— Бундай кўрик-танловлар биз иш берувчилар учун ҳам айни муддао бўлди. Чунки мазкур соҳада ишловчи турли корхона мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш имкониятга эга бўлдик.

Меҳнат муҳофазаси ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этадиган соҳа бўлиб, бунда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ниҳоятда қўл келади. Лекин улар эҳтиёжга нисбатан анча тақчил эканлигини эътироф этишга тўғри келади. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ушбу муаммо ижобий ҳал этилишини истардим.

Ўрмонжон БЕРДИЕВ, Фарғона вилоятидаги «Бешариқтекстил» ОАЖ қўшма корхонаси меҳнат муҳофазаси вакили:

— Корхонамиз 1975 йилда ташкил топган. 2009 йилда эса чет эл инвестицияси киритилиб, ишловчилар 1000 нафарга етди. Бизда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар учун барча шароит яратилган. Меҳнат муҳофазасига корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ўта масъулият билан ёндашаётганликлари туфайли корхонамизда ўтган ва жорий йилнинг шу вақтигача бирорта бахтсиз ҳодиса бўлмади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди ва 3-босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Осиё ўйинларидаги муваффақиятлар

Осиё ўйинларида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг имконияти ва салоҳияти синовдан ўтказилди. Инчеонда қайд этилган натижалар ўзбекистонлик мураббийлар ва мутахассислар спортчиларни Олимпиадага тайёрлашни тўғри йўлга қўйганини кўрсатди. Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг аксарияти Олимпиада дастуридаги спорт турлари бўйича экани фикримиз далилидир.

— Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчиларимизга ҳавасим келди, – дейди Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Сардор Ҳикматиллаев. — Уларнинг муваффақияти биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари илҳомлантирди. Келажакда мен ҳам уларга ўхшаб халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчи бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Инчеонда эришилган натижалар асносида мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самара бераётгани намоён бўлди. Бадиий гимнастикачиларимиз — Жамила Раҳматова, Равиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюкова Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида олтин медални қўлга киритгани бунинг исботидир.

— Осиё ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимиздан бахтиёрмиз, — дейди енгил атлетикачи Светлана Радзивил. — Биз минглаб спорт мухлислари, халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ҳолда беллашувларга киришдик. Осиё ўйинларидаги муваффақиятимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш, нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиш учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Ҳа, спортчиларимиз Инчеондаги Осиё ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек спортининг ёрқин келажагини таъминлашга қодир спортчилар тарбияланаётгани, уларни келгусида янада юксак ғалабалар қутиб турганидан далолатдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Муҳаммад АМИН
олган суратлар



Матбуот анжумани

Адлия вазирлигида «Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ишлари» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Таъкидландики, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига қўйилган талаблар янада кучайтирилган. Айниқса, улар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатлари, олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга ошириш Адлия органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Чунончи, ҳозирда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 20 турдан ортиқ ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётир.

Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойида ҳудудий адлия органларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан 1258 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тақдим этилган бўлиб, шундан 102 таси халқ депутатлари кенгаши қарорлари лойиҳаларидир. Бироқ, қайд этилганидек, ҳали айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бу борада қатор камчиликларга йўл қўйилаётир. Адлия органлари ўтган ойлар мобайнида қонун ҳужжатларини туркумлашдаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 231 та тақдимнома киритди. Натижада, 310 та қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган қарорлар бекор қилинди. 67 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ўрганиш жараёнида юзага келаётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда келгусида уларга йўл қўймаслик мақсадида жойларда сайёр семинар ва учрашувлар ташкил қилинмоқда. Муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича аниқ тавсия ва кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Қишга тайёргарлик

Ёзнинг жазирама кунлари ортда қолиб, қиш-қировли кунлар яқинлашмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Тумандаги кўпқаватли уйларни сифатли таъмирдан чиқаришни 4 та секторга бўлинган ҳолда амалга ошириш йўлга қўйилган бўлиб, унинг таркибида 18 та округ фаолият юритмоқда.

Излаган имкон топади



— Бизга бириктирилган секторда 253 кўпқаватли уй мавжуд, — дейди 1-сектор раҳбари, туман прокурори Баҳодир Тайджанов. — Айниқса, уйларнинг томини, иситиш тизимларини таъмирлаш, ертўлаларни 8 та йўналиш бўйлаб тартибга келтириш бўйича анчагина ишлар қилинди. Ишонамизки, бу йилги қиш мавсумида кўпқаватли уйларда истиқомат қиладиган ҳамшаҳарларимизда муаммо бўлмайди.

Биз тумандаги 1-сектор 3-округка қарашли Ойбек номли маҳалла, Ойбек кўчасидаги 49-уйда қишга тайёргарликнинг ҳолати билан танишиб, 9 қаватли, 12 йўлакдан иборат бу уй мавсумга шай ҳолатга келтирилганлигига гувоҳ бўлдик.

— Мазкур уйда 216 та хонадон истиқомат қилади. Олган кредитимиз асқотиб, уйимизни мукаммал таъмирдан чиқардик, — дейди «Дунё коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Диляра Мустафаева. — Шуниси диққатга сазоворки, уйда истиқомат қилувчиларнинг квартира ҳақидан муддати ўтган қарздорликлари йўқ. Бу ҳол тез орада олган кредитимизни қоплаш имконини беради.

Уйни айландик. Том қисмининг 3810 квадрат метри «Бикром» қопламаси билан мукаммал таъмирдан чиқарилган. Мавжуд 12 та йўлак ҳам чиройли қилиб бўялган. Айтишларича, ўтган йили бу ерга келган одам бугун уни танимаслиги мумкин. Ҳар бир йўлакка темир эшик ҳамда домофон ўрнатилган. Ёғоч фрамугалар ўрнига «Акфа» пластмасса ойналари ўрнатилганлиги кўринишни янада безаган. Иссиқ ҳамда совуқ сув қувурлари пластмассага алмаштирилган. Ертўладаги барча элеватор тизимидаги бурамалар янгиланган. 12 та лифт жорий таъмирдан чиқарилгани бу ерда истиқомат қилувчиларни ниҳоятда хурсанд қилди. Бинонинг ташқи томони қайта таъмирлангани ҳам айни муддао бўлди.

Болалар майдончасини айтмайсизми. Жажжи фарзандларимизнинг севимли жойлари шу йил қуриб берилди. Машиналар туриш жойи янгидан барпо этилиб, уй олди йўллари тўлиқ асфалтланди.

— Ширкат барпо этилганига 14 йил бўлди, — дейди Диляра Мустафаева. — 2000 йилда ертўлани сув босганди. Дастлабки 5 йил уйда истиқомат қилувчилар билан тил топиб кетишимиз қийин кечди. Ҳар бир йўлак эшигига қарздорларнинг рўйхати ёзиб қўйилди. Изчил ҳаракат ҳамда тинимсиз қилинган тарғибот-ташвиқот ишлари бугун ўзининг ижобий натижасини беряпти. Шу билан бирга, бизга бириктирилган ҳомийлар уйимизни мавсумга тайёрлашда катта ёрдам берганликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳамжиҳатлик бўлган жойдан барака кўтарилмайди. Ҳақиқатан ҳам уйда истиқомат қилувчиларнинг ширкат билан ўзаро тил топишиб иш кўрганлиги катта аҳамият касб этганлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳар куни шу ердаман, — дейди «Савдогар банк» шаҳар бўлимининг ходими Мастура Аҳмедова. — Мана шундай намунали уйда яшаганликлари учун ҳам мижозларимиз турли тўловларни ўз вақтида тўлаб боришмоқда.

— 49-уйнинг 101-хонадонида яшайман, — дейди Жаҳонгир Исмоилов. — Ширкат фаолиятидан минатдормиз. Қишда ҳам иситиш тизими кўнгилдагидек ишламоқда. Бир-икки ёмғир ҳам ёғди. Лекин том сифатли таъмирлангани учун чакка ўтмади.


Ҳамсуҳбатимизнинг бу фикрини Ирина Гусейнова, Евгения Микоэлян каби қўшнилари ҳам тасдиқлашди.

Диляра Мустафаева билан хайрлашар эканмиз, уни нимадир безовта қилаётганини сездик. Сабабини сўраганимизда у:

— Ҳаммаси яхши, лекин баъзи бир қўшниларимизнинг айрим хатти-ҳаракатлари кишини ўйлантириб қўяди. Масалан, канализация шохобчасини тозалаганимизда кўнгилни хира қиладиган ҳолатни кўрдик. Эски дафтар дейсизми, болалар кийимими... Қани энди улардаги шу қусурни йўқотсак, — дейди ширкат раиси ўйланиб.

Ҳа, албатта, уй кўпчиликники. Шу сабабдан турмуш маданиятини барча бир ёқадан бош чиқариб, юксалтиришига кўп нарса боғлиқ.

Ўз мухбиримиз





Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ШАҲАР «ФАРҒОНА МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Марказий Деҳқон бозор» ҳудудида «Кисловодск» модуллар остида нон-гуруч павилионининг ертўла ва ер ости қисми қурилиши.

Бошланғич нархи — **1 811 034 556 сўм ҚҚС сиз ва 2 173 241 468 сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати — **60 кун .**

Қурилиш ишлари: Қарзга оид маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Бозор боши кўчаси 1-уй, тел: (8-373) 244-82-15.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 19 августдаги 218 к-ПО-сонли буйруғига асосан, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2014 йил 29 сентябрда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Зоҳидон кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган, умумий майдони — 621,0 кв.м. бўлган, собиқ поликлиника бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси — 496 816 262 сўм, сотилиш баҳоси — 580 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳуқуқий саводхонлик сари

Инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти оилада ўз аксини топади. Шу боис оила қуриш ва уни авайлаб-асраш ниҳоятда масъулиятли бўлиб, оила пойдеворини мустаҳкамлашда, айниқса, қизлар тарбияси аҳамиятлидир.

МУҲИТ ЯХШИ БЎЛСА...

Қиз болага яхши тарбия бериш биринчи галда онанинг вазифаси. Чунки, она том маънода маънавий маслаҳатчи бўлиб, ўғил ҳам, қиз ҳам дардини биринчи бўлиб онасига айтади. Аксарият ҳолларда унинг маслаҳати бўйича иш тутади.

Таъкидлаш жоизки, оила қуриш жараёнида адашишга, шошма-шошарлик билан бирор хулосага келишга ҳаққимиз йўқ.

Оиланинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қизнинг ёшликда олган тарбиясига боғлиқ. Шу боис, оналар қизларини оилага тайёрлашда сабр-матонат кўрсатиб, оқила мураббий мақомида бўлишлари лозим.

Ҳозирги пайтда айрим оналарнинг иш кўплигини важ қилиб, қизлар тарбиясига совуққонлик билан қараётгани оилаларнинг бузилишига сабаб бўлаётир. Баъзи оналар «Ота уйида яйраб қолсин» деб, қизларига уй-рўзғор юмушларини тўлатўкис ўргатишмайди. Шунингдек, ҳурматиззат, сабр-қаноат борасида ҳам керакли насиҳат ва маслаҳатлар бериш унутилади. Бунинг ўрнига балоғат ёшига етган қизларга қимматбаҳо сеп йиғиш, уларни ясан-тусан қилиб кийинтиришга зўр беришади. Натижада, ўзга хонадонга келин бўлган қиз кўпинча мулзам бўлиб қолади. Бу эса турли оилавий жанжалларга сабаб бўлиб, айрим ҳолларда иш ажрашишгача етади.

Яна бир оғриқли муаммо шундан иборатки, ҳозирда баъзи ота-оналар қизларини балоғат ёшига етмасдан турмушга беришни одат қилмоқда. Улар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимига ҳам мурожаат қилмай, Оила кодексига зид равишда қизларини узатиб юборишмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега балоғатга етмаган фарзандларимиз бахтига зомин бўлиб, мажруҳ бола туғилишига йўл қўймоқдамиз?

Кўп ҳолларда ҳали балоғатга етмаган қиз оила деб аталмиш катта ғилдирак чархига дош бера олмай, бахтсиз бўлиб қолмоқда. Нега бу ҳақда вақтида ўйлаб кўрмаяпмиз?

Ўз вақтида ФҲДЁ бўлимига ариза бериб, тиббий кўрикдан ўтиб, қонуний никоҳни қайд қилдириб, турмуш қуриш ҳар бир фуқаронинг қонуний мажбуриятидир. Юртимизда барча эътибор ёшларимиз ҳаёти, соғлиғига қаратилаётган экан, келажагимиз бунёдкорларининг саломатлиги, наслимиз тозалиги учун ҳаммамиз масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

М.НОРМАТОВ,
Самарқанд туман 2-ДНИ нотариуси

2014 йил — Соғлом бола йили





Самарқанд шаҳри Қуйи Ҳўжасоат маҳалласида «Регистон юлдузи» номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

МАҲАЛЛА БОҒЧАСИ

80 ўринга мўлжалланган муассасада таълим-тарбия ишлари «Болажон» таянч дастури асосида олиб борилмоқда. Ўзбек ва рус тилларида гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, асосий эътибор болажонларнинг инглиз тили бўйича пухта бошланғич билим олишига қўмаклашиш, уларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Боғчада камхарж оилалар фарзандлари учун имтиёзли тўловлар жорий этилган.

Суратларда: «Регистон юлдузи» номли нодавлат мактабгача таълим муассасасида.

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар

Муштарий фикри

Тўрт йилдирки, Нурота туман маънавият-тарғибот бўлимига раҳбарлик қилиб келаман. Ёшлар ўртасида тарихимиз, анъаналаримизни тарғиб қилиш мақсадида бир қанча ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу борада касаба уюшмалари яқин ҳамкорларимиздан бирига айланди, десам муболаға бўлмайди.

ҲАМКОРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Яқинда вилоятимизда «Энг яхши маънавият маскани» кўрик-танлови ташкил этилиб, туманимиз маънавият-тарғибот бўлими биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шу муносабат билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Оқтош» санаторийсига бепул йўлланма тақдим этилди. Камтарона меҳнатимни муносиб баҳолаган тизим раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни севимли «Ishonch» газетамиз орқали етказишни истадим.

Касбим тақозосига кўра, туманда 2015 йил учун нашрларга обуна бўлиш жараёнини кузатаяпман. Амин бўлаяпманки, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари аллақачон ўз мавқеига эга нашрлардан бирига айланиб улгурган. Ҳар бир мақолада жўшқин ҳаёт нафасини туйиш мумкин. Мана шундай халқчиллик ва кўтаринкилик ижодкорларимизни тарк этмасин. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам бардавом бўлаверсин.

Музаффар ФАХРИДДИНОВ,
Нурота туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари

Эртамиз эгалари

БЎШ ВАҚТ — ХУШ ВАҚТ

Қўштепа туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ўқувчиларнинг севимли масканига айланган.

Табиатшунослик, инглиз тили, рақс, бичув-тикув, доира, бадиий ҳаваскорлик каби 19 та тўгаракда 500 нафар ўғил-қиз бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Жумладан, «Компьютер саводхонлиги» тўгарагида 30 дан ортиқ ўқувчи уч гуруҳга бўлиниб, машғулотларда иштирок этмоқда. Улардан 10 нафари қизлар бўлиб, замонавий жиҳозлар ўқувчиларга компьютер билан ишлаш сирларини пухта эгаллашда қўл келаётир.

Шунингдек, 35 нафар ўқувчи қатнашаётган бичув-тикув тўгараги аъзолари томонидан тикилган болалар либослари туманда ўтказилган либослар кўргазмасида совринли ўринни эгаллади ҳамда фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Бувим айтган ҳикматлар

Бувим ҳамиша ошхона — аёлнинг юзи, дейдилар. Шу боис бу ердаги тозалик ва саранжомликни қаттиқ назорат қиладилар. Агар бирор идиш юқлигини кўрсалар биз қизларни «Нега юзингиз ювиқсиз, ойқизим», деб уялтирадилар. Бувимнинг «ойқизим» деган эркалатувчи сўзлари шундай пайтда жонимиздан ўтиб кетади, аммо бу ножўя ишни бошқа такрорламаслигимизга замин яратади.

ЖЎМРАКДАН ТОМЧИЛАГАН СУВ...

Бувимнинг назарида ошхонадаги ҳар бир нарса ўз ўрнида, ярқираб туриши керак. Шаффофдай жилоланган идишлар уйга омад ва бахтни чақирса, хира тортган идишлар эса омадсизлик ва кўнгил ғашлигига сабаб эмиш. Шу боис нафақат ошхонамиз, балки меҳмонхонамиздан жой олган идишларимиз ҳам ҳамиша жило таратиб туради. Айниқса, чироқ ёққанимизда идишлар нурлар билан ўйнашиб, кўнгилга гўзал туйғуларни солади. Негадир, шу пайтда кайфиятим кўтарилиб кетади. Ўзимча ўйлайман: бувим айтган омад чақирувчи фариштa уйимизга келибди-да!

Бувим газ плитаси, музлатгич, роковинанинг ҳамиша тоза бўлишига эътиборимизни қаратиб, тозаликда ҳикмат кўп, дейишдан чарчамайдилар. Бувимнинг айтишларича, барча хасталик ва кўнгилсизлик ошхонадаги тартибсизлигу, пала-партишликдан келиб чиқади. Айниқса, бу ердаги шкафлар эшиги ёки усти ёпилмаган маҳсулотлар хонадонга хосиятсизлик чақирармиш.

Бувим яна бир нарсани жуда ёмон кўрадилар. Бу жўмракдан томчилаб турган сувдир. Бу ҳолатга сира тоқат қилолмай, ўша пайтнинг ўзида таъмирчи устани чақиртирадилар. Айтишларича, томчилаётган сув — нохушлик белгиси эмиш. Шу боис жўмрагимизни созлаб берган устани ҳам «Яхшиликка ҳиссангиз қўшилди. Сиз хайрли иш бошидасиз. Хизматингиз мукофотга арзийди», деб эъзозлайдилар. Бундан таъмирчи усталар ҳам қувониб кетади. «Бировни қувонтириш савоб, кўнглини оғритиш Маккага ўт қўйиш билан баробардир», дейди бувим.

Шундан бўлса керакки, уйимиздаги барча кранлар, сув қувурлари ҳамиша соз ҳолда бўлади. Бундан ташқари, бувим ювиниш хонаси ва ҳожатхона эшиклари ҳамиша ёпиқ туришини талаб қиладилар.

Бувим айтган ўгитларнинг ростлигига яқинда ўзим гувоҳ бўлдим. Яқин дугонамникига китоб сўраб боргандим, негадир кўзлари қизарган, руҳи сўлғин кўйи олдимга чиқди. Нима бўлганини сўрадим. Дугонам ичкарига бошлади: уй ичи унинг аҳволидан ҳам баттар вайрона кўринди кўзимга. Йўлакдаги кўзгу жуда хира тортиб кетибди. Кўнгилсизлик шунданмикан, деб ўзимча ўйладим. Меҳмонхонага кирдик, бу ерда ҳам қандайдир одамнинг кўнглини ғаш қиладиган ҳолатни сездим. Дугонамнинг айтишича, отаси кечаси ичиб келиб онаси билан жанжаллашибди. Онаси аразлаб бувисиникига кетиб, ҳалигача қайтмаган эмиш. Назаримда, дугонам шу лаҳзада ёрдамимга жуда муҳтожга ўхшаб кўринди, бувимга кўнгироқ қилиб, бор гапни айтдим. Бироз дугонамни кўнглини кўтариб бораман, дедим.

Дугонамга бувимнинг ўгитларини айтиб, ишни унинг уйини тозалашдан бошладик. Бир пасда икки дугона ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек қилдик. Йўлакдаги кўзгудан тортиб, ванна-ю ошхонагача «ярқиратиб ташладик». Музлатгични тозалаётиб, билдимки, пиширишга гўшт, ейишларига сарёғ ҳам йўқ экан. «Кел, дадангга картошка қовурамиз», деб ўзим ишга киришиб кетдим, бир зумда овқат ҳам тайёр бўлди. Иккитагина тухумга бироз сут ва ун қўшиб, қуймоқ ҳам пиширдик. Сабзи-ю турпни қўшиб салат тайёрладик. Хуллас, иш билан дугонамнинг кўнглидаги хиралик ҳам чекингандай бўлди. Шу пайт эшик қўнғироғи чалиниб, ота-онаси бошлашиб кириб келишди. Мен жуда севиниб кетдим: гўё бувим айтган фариштaлар уларни ораста хонадонларига бошлаб келгандек эди. Дугонамнинг уйидан руҳиятим кўтарилиб чиқарканман, бувимнинг «Игна қаёққа юрса, ип ҳам ўша томонга юради», деган ҳикматини эслаб, шундай оқила ва доно аёлга невара бўлганимга шукроналар айтдим.

Кундуз СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳри

Тинчлик ҳукмрон мамлакатда туризм ҳам ривожланади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон билан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этаётир. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга 1993 йили аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 1-3 октябр кунлари Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси муваффақиятли ўтказилгани Ўзбекистон билан мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги фаол ҳамкорлик юксак суръатларда ривожланиб бораётганидан далолат беради. Сессиянинг очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлагани мамлакатимизда туризм ривожига нақадар юксак эътибор қаратилаётганининг амалий тасдиғи бўлди. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этган ушбу мажлисда халқаро туризмни янада ривожлантириш ҳамда «Буюк Ипак йўли» брендини кенг жорий этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Мазкур сессиянинг айнан юртимизда ўтказилгани Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофидир.

Ўзбекистонда ЮНВТО билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар мунтазам ташкил қилинмоқда. 1994 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси шулар жумласидандир. Ўтган давр мобайнида ушбу ярмарка Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йирик форумига айланди.

Мазкур ярмарка жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юртимизда сайёҳлик бизнесини изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Жаҳонда барча турдаги сайёҳлик хизмати кўрсатадиган компанияларни бирлаштирадиган мазкур ихтисослаштирилган кўргазма мамлакатимиз ва чет эл сайёҳлик бизнеси мутахассислари учун мўлжалланган. Бу йил ярмаркада Жанубий Корея, Испания, Австрия, Швейцария, Ҳиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Сингапур, Венгрия, Чехия, Руминия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик бозори биз учун ғоят истиқболли. Мамлакатингиз сайёҳлик салоҳияти изчил юксалиб бораётир, — дейди Бирлашган Араб Амирликлари «Alpha Tours» компанияси бошқарувчи директори Аднан Ариди. — Ўзбекистондаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт сайёҳларнинг бу юртга саёҳат қилишга бўлган иштиёқини оширмоқда. Юртингизда сайёҳликни жадал тараққий эттириш учун барча омиллар мавжуд. Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдормиз.

Бу гал «Туризм ва санъатнинг ипак боғлами» шиори остида ўтказилаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда сайёҳлик бозорининг барча тузилмалари — туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар таклиф этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб бормоқда.

— Ўзбекистоннинг изчил тараққиёти, хушманзара ва фусункор табиати, дўстона муҳит, ўзбекона меҳмондўстлик каби кўплаб омиллар барчага бирдек манзур бўлиши шубҳасиз, — дейди Сингапурнинг «Apple World» компанияси бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Зу Цяо Лин. — Юртингиздаги кўп асрлик тарихий обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётганига лол қолдим. Компаниямиз Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сайёҳлик алмашувини йўлга қўйиш ниятида. Бунинг учун ҳар икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжуд. Яқинда Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани сайёҳлик борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Экспозициядан Ўзбекистоннинг ҳудудий маъмуриятлари ва сайёҳлик компаниялари билан бир қаторда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳам ўрин олган.

Хорижнинг нуфузли халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар каби кўплаб ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат, тарихий обидаларимиз ва халқимизнинг ноёб қадриятлари акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишиш имкониятига эга. «Туризм соҳасида ахборот технологиялари», «Меҳмонхона ва жойлашиш объектлари», «Транспорт хизматлари», «Суғурта хизматлари», «Гастрономик туризм» бўлимлари ишлаб турибди. Ўзбекистон санаторий ва шифохоналари эса алоҳида стендда тақдим этилган.

Миллий павильонда ярмаркага келувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишиши мумкин. Ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар фестивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида иштирокчиларга ўзбек миллий таомлари ҳамда саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандалигимизга оид маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган. «Ҳунармандлар шаҳарчаси» бўлимида намойиш этилаётган миллий ҳунармандлик намуналари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Компаниямиз Сурхондарёнинг гўзал масканларига саёҳат уюштириш билан шуғулланади, — дейди «Surkhantourism» масъулияти чекланган жамияти директори Зафар Намозов. — Термиз-Денов, Термиз-Бойсун ва Термиз-Музработ йўналишлари бўйлаб қизиқарли саёҳатлар уюштирилмоқда. Улар орқали меҳмонлар пурвиқор тоғлар табиати, Сурхондарёнинг ўзига хос маданий меросидан баҳраманд бўлмоқда. Сариосиё туманидаги Сангардак шаршараси, Шеробод туманидаги Зараутсой ғори йўналишларида экотуризм ривожланмоқда. Йил сайин сайёҳлик турларимизни янада бойитиб, жуда мазмунли ва қизиқарли экскурсия дастурларини ишлаб чиқяпмиз. Сурхондарёда нафақат халқаро туризм, балки ички туризм ҳам жадал ривожланмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси экспозицияси стендларининг махсус бўлими таълим туризмига бағишланган. Унда мамлакатимизнинг ушбу соҳада кадрлар тайёрлаётган олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари — Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, пойтахтимиздаги касб-ҳунар коллежлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ўқув маркази тақдим этилган.

Ўзбекистонлик ва хорижлик санъаткорлар томонидан намойиш этилаётган концерт дастурлари, ўзбек миллий либослари тақдимоти меҳмонларга манзур бўлмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтади.

Ушбу ярмарка бу гал ҳам жаҳон сайёҳлик бизнеси вакилларига соҳа юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни намойиш этиш имконини беради. Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида хорижий ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланиши кутилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -23.55
Topshirildi -00.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1015 | 13831 nusxada bosildi | 1 345